

# Росуллоҳнинг мерослари ҳақида келган ҳадислар баёни.

## ﴿باب ما جاء في ميراث رسول الله﴾

صلى الله عليه وسلم

[ الأوزبكي – Uzbek – Ўзбекча ]

**Абу Ийсо Муҳаммад ибн Ийсо Термизий**

**Таржимон: Абдуллоҳ Шариф**

**Нашрга тайёрловчи: Шамсиддин Даргомий**

2009 - 1430

islamhouse.com

# ﴿باب ما جاء في ميراث رسول الله﴾

صلى الله عليه وسلم

« باللغة الأوزبكية »

أبو عيسى محمد بن عيسى الترمذي

ترجمة: عبد الله شريف

تحرير: شمس الدين درغامي

2009 - 1430

islamhouse.com

## بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

الحمد لله رب العالمين، والصلاة والسلام على سيدنا محمد، وعلى آله وصحبه أجمعين  
أما بعد:

Ассалому алайкум вараҳматуллоҳи вабаракотуҳ! Ҳурматли ва азиз мўмин биродарлар бу "шамоили муҳаммадия" китобидан ўттиз тўртинчи дарсимиз бўлиб, бу дарсимизда Пайғамбар алайҳиссалом мерослари яни у зотдан қолган мулк ҳақида келган бобнинг ҳадислари билан танишамиз иншааллоҳ!

( 55 ) باب ما جاء في ميراث رسول الله

وفيه ( 7 ) أحاديث

Пайғамбар алайҳиссаломдан қолган мерослар баёни. Бу бобда еттита ҳадис ривоят қилинади.

Пайғамбарлардан мерос олиш масаласига бир оз тўхталадиган бўлсак, шуни эслатиб ўтиш керакки, Росулulloҳ саллаллоҳ алайҳи васаллам хабар беришларича: "Пайғамбарлар динор ва дирҳамлар қолдирмайдилар. Балки илм-маърифат, ҳикмат ва одоб-ахлоқлар қолдирадилар".

Пайғамбарларнинг асосий вазифалари Оллоҳ таоло билан бандалари ўртасида элчилик қилиб, бандаларига, Оллоҳнинг буйруқ ва қайтарувларини етказишдир. Уларнинг меросхўрлари эса, уламолардир. Бундай улкан меросга эга бўлган уламолар хурсанд бўлсинлар! Бу йўлда улар учун келган машаққатлар, бошларига тушган мусибатлар учун хафа бўлиб, маъюс бўлмасинлар! Чунки оғир-оғир балолар уларнинг пешволари бўлмиш Пайғамбарларга ҳам келган. Яна бир ҳадисда келишича, Пайғамбар алайҳиссалом айтадиларки: Энг катта балолар Оллоҳнинг элчиларига, сўнг уларга иймонда яқин бўлган кишиларга, манашу тартибда яъни кишининг диндаги ўрнига қараб мусибатлар келади. Демак, энг катта мусибатлар, динда мустаҳкам инсонлар учун бўлар экан. Лекин бу ерда нима учун, улар бундай оғир мусибатлар билан балоланадилар, ахир улар Оллоҳ ва Росулига итоат қилиб, ибодатда бўлишса ва осийлик қилмасалар?! -деган савол туғилиши табиий. Бу саволга уламоларимиз қониқарли жавоблар айтиб кетишган. Ўша жавоблардан баъзиларини қисқартирган ҳолда келтирамиз: **Биринчиси:** Бу дунё фоний, бебақо эканлиги ҳаммага маълум, абадий ва мангу ҳаёт эса охиратдир. Бу дунё эса анашу абадий ва мангу ҳаёт учун имтиҳон ҳовлиси дир. Лекин охиратдаги роҳат ҳаёти ва ундаги турли мартабалар учун, бу дунёда ҳар хил синовлардан ўтмоқ керак. Кимдир бу синовлардан аъло баҳолар

билан, кимдир ўрта, кимдир зўрға ўтиб олади. Имтиҳондан йиқилганлар эса, охиратда азоб ва укубатларга грифтор бўладилар.

**Иккинчиси:** Бу олий мақсадли шахслар Оллоҳ таолонинг буйруқларига хилоф қилмай, унинг амрини буюрганидек бажариб, қайтарувларидан боштортмай қайтиб, унинг ҳукми уларнинг кўнгилларига ёқадими ё ёқмайди. Қачоники бир ҳукм қилса, дарҳол бўйин эгканликлари учун, Оллоҳ таоло уларни суйиб, уларга катта-катта мукофот ва ажр-савоблар бериш мақсадида манашундай синовлар, имтиҳонлар беради.

**Учинчиси:** Инсон ҳар қанча тақво қилмасин, у махлуқдир. Гуноҳлардан бутунлай пок бўлиши маҳолдир. Пайғамбар алайҳиссалом бир муборак ҳадисларида айтадиларки: Агар сизлар гуноҳ қилмасаларингиз! Оллоҳ таоло бошқа бир қавмларни келтиради! –яратади. Улар гуноҳлар қиладилар, кейин эса, Оллоҳ таоло уларни мағфират этади. Бу ҳадисдан мурод гуноҳ қилинглари! -дегани эмас албатта, балки ҳар қанча ўринманглари, гуноҳ қилишдан мутлақо пок бўла олмайсизлар. Чунки бу Оллоҳ таолонинг илоҳий ҳикматидир. Шунинг учун, инсон билиб-билмай қилиб қўйган, гуноҳларига каффорот бўлиши учун Оллоҳ таоло банданинг ҳолатига яраша мусибатлар беради. Пайғамбар алайҳиссалом бир муборак ҳадисда, мўъминнинг оёғига кирган-санчилган тикон ҳам, унинг гуноҳлари учун каффорот бўлади! -деб марҳамат қилганлар. Хуллас бу мусибатлар остида биз билган ва билмаган аллақанча яхшиликлар бор.

399 - حدثنا أحمد بن منيع ثنا حسين بن محمد ثنا إسرائيل عن أبي إسحاق عن عمرو بن الحارث أخي جويرية له صحبة قال ما ترك رسول الله إلا سلاحه وبغلته وأرضا جعلها صدقة

Жувайриянинг иниси Амр ибн Ҳорисдан ривоят қилинади, у саҳобалардан бўлган экан. Айтадики: "Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам, қуроллари, хачир эшаклари ва садақа қилиб юборган ерларидан бошқа, ҳеч нарса қолдирмай, дунёдан кўз юмган эдилар".

400 - حدثنا محمد بن المثني ثنا أبو الوليد ثنا حماد بن سلمة عن محمد بن عمرو عن أبي سلمة عن أبي هريرة رضي الله عنه قال جاءت فاطمة إلى أبي بكر رضي الله عنهما فقالت من يرثك فقال أهلي وولدي فقالت ما لي لا أرث أبي فقال أبو بكر سمعت رسول الله يقول لا نورث ولكني أعول من كان رسول الله يعوله وأنفق على من كان رسول الله ينفق عليه

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади, айтадиларки: "Фотима розияллоҳу анҳо Абу Бакр розияллоҳу анҳуга келиб, хўш! сиздан ким мерос олади? –дедилар". Абу Бакр, аҳл-аёлим ва фарзандларим -дедилар. Ундай бўлса нима учун мен отамдан мерос олмайман? -дедилар. Абу Бакр айтдиларки: "Мен Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламни "бизлардан мерос олинмайди!" –

деган сўзларини эшитганман. Лекин мен у зот қарамоқларидаги одамларни таъминлаб тураман ва у зот нафақа қилган кишиларга нафақа қиламан".

401 - حدثنا محمد بن المثني ثنا يحيى بن كثير العنبري أبو غسان ثنا شعبة عن عمرو بن مرة عن أبي البخترى أن العباس وعلياً جاءا إلى عمر يختصمان يقول كل واحد منهما لصاحبه أنت كذا أنت كذا فقال عمر لطلحة والزبير وعبد الرحمن بن عوف وسعد رضي الله تعالى عنهم أنشدكم بالله أسمعتم رسول الله يقول كل مال نبي صدقة إلا ما أطعمه أنا لا نورث وفي الحديث قصة

Абу ал-Бухтарийдан ривоят қилинади, айтадиларки: "Аббос ва Али розияллоху анхумолар Умар розияллоху анхунинг ҳузурларига хусуматлашиб келдилар. Уларнинг ҳар бири шеригини сен шундайсан! –дер эди. Умар Толҳага, Зубайрга, Абдурраҳмон ибн Авфга ва Саъд розияллоху анхумларга айтдиларки: Оллоҳга қасамки, Пайғамбар алайҳиссалом, Пайғамбарнинг ҳамма моли садақадир, магар инфоқ қилгани эмас, бизлар –пайғамбарлар- мерос қолдирмасмиз! –деганларини эшитганмисизлар? Ҳадисда яна талайгина қисса бор эди. –дейди ровий".

402 - حدثنا محمد بن المثني ثنا صفوان بن عيسى عن أسامة بن زيد عن الزهري عن عروة عن عائشة رضي الله تعالى عنها أن رسول الله قال لا نورث ما تركنا فهو صدقة

Оиша розияллоху анҳодан ривоят қилинади, айтадиларки: "Росулуллоҳ саллаллоху алайҳи васаллам, биздан мерос олинмайди. Бизлардан қолган нарсаларнинг бари садақадир. –деган эдилар".

403 - حدثنا محمد بن بشار ثنا عبد الرحمن بن مهدي ثنا سفيان عن أبي الزناد عن الأعرج عن أبي هريرة رضي الله عنه عن النبي قال لا يقسم ورثتي ديناراً ولا درهما ما تركت بعد نفقة نسائي ومؤنة عاملي فهو صدقة

Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади, у киши Пайғамбар алайҳиссаломдан ривоят қиладилар: "Пайғамбар алайҳиссалом менинг меросим ҳоҳ динор бўлсин, ҳоҳ дирҳам бўлсин, тақсимланмайди. Аҳли аёлимнинг нафақаси ва хизматкоримнинг иш қуролидан ташқари мен қолдириб кетган нарсалар барчаси садақадир".

404 - حدثنا الحسن بن علي الخلال ثنا بشر بن عمر قال سمعت مالك بن أنس عن الزهري عن مالك بن أوس بن الحدثان قال دخلت على عمر فدخل عليه عبد الرحمن بن عوف وطلحة وسعد

وجاء علي والعباس يختصمان فقال لهم عمر أنشدكم بالذي بإذنه تقوم السماء والأرض أتعلمون  
أن رسول الله قال لا نورث ما تركناه صدقة فقالوا اللهم نعم وفي الحديث قصة طويلة

Молик ибн Авс ибн ал-Ҳадсондан ривоят қилинади, айтадиларки: "Умар розияллоҳу анхунинг олдиларига кирдим. У зотнинг ҳузурларига Абдурраҳмон ибн Авф, Толҳа ва Саъд розияллоҳу анхумлар ҳам кирдилар. Кейин эса Али ва Аббос иккилари тортишиб келдилар. Умар уларга айтдиларки: Еру осмонлар унинг изни ила қоим бўладиган зотга қасамки, менга айтинларчи, Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам биздан мерос олинмайди, Бизлар ташлаб кетган нарсалар садақадир -деганларини билмайсизларми? Улар бараварига Оллоҳга қасамки, худди шундоқ! -дедилар. Ҳадисда анчагина қисса бор эди".

**Изоҳ:** Бу Саҳобаи киромларнинг ахлоқларига боқинг, Оллоҳ таолони ўртага қўйиб, улардан ҳақиқатни сўралса, ўзларининг зарарларига бўлса ҳам ҳақни сўзладилар. Чунки улар Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг тарбияларини кўрган, қуръон таълимотларига асосланиб ҳаёт кечирадиган олий хулқли шахслар эдилар.

405 - حدثنا محمد بن بشار ثنا عبد الرحمن بن مهدي ثنا سفيان عن عاصم بن بهدلة عن زر بن  
حبيش عن عائشة رضي الله عنها قالت ما ترك رسول الله دينارا ولا درهما ولا شاة ولا بعيرا قال  
وأشك في العبد والأمة

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади, айтадиларки: "Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам на динор ва на дирҳам, на қўй ва на туя қолдирганлар". Ровий айтадики: "қул билан чўрини ҳам зикр қилганликларида шак қиламан".

**Изоҳ:** Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам ҳажжсатул ваъдода, яъни видолашув ҳажжиди, юзта туя сўйиб гўштларини эҳсон қилиб юборган эдилар. Ҳунайн газотида ўлжа бўлиб қўлга тушган туялардан, юзлаб туяларни янги исломни қабул қилган Маккалик кишиларнинг, баъзиларига инъом қилган эдилар. Гоҳо Мадинада бўлганларида янги исломга кирган қабилалар, у зотнинг ҳузурларига келиб мол сўраганда юзлаб туя, қўй, молларни бериб юборган эдилар. Оллоҳ таоло газотдан олинадиган ганиматнинг, бешдан бирини у зотга улуш, шахсий ҳақ қилиб берган эди. Лекин Пайгамбар алайҳиссалом уни Оллоҳ йўлида инфоқ қилиб юборар эдилар. Оллоҳ таоло бизларни у зотнинг меросхўрларидан қилсин!

وصلى الله على نبينا محمد وعلى آله وصحبه أجمعين وسلم